

## РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР НЕГИЗИДА БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШ ОМИЛЛАРИ

**Оришев Жамшид Баҳодирович**

А.Қодирий номидаги ЖДПУ, Технологик таълим ва тасвирий санъат фанлари  
кафедраси катта ўқитувчиси

E-mail: [jamshidorishev@gmail.com](mailto:jamshidorishev@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Олий таълим муассаларида рақамли технологиялар негизда таълим жараёнларини ташкил этиш, ўқув жараёнида бўлажак мутахассисларни рақамли технологиялар билан ишлаш компетенцияларини ошириш долзарб масаладир. Мақолада рақамли технологиялар негизда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлашга оид таълимий мулоҳазалар баён этилади.

**Калит сўзлар:** рақамли Ўзбекистон-2030, технологик таълим, рақамли технология, лойиҳа, лойиҳалаш фаолияти.

### FACTORS OF PREPARING FOR FUTURE TECHNOLOGICAL EDUCATION TEACHERS FOR DESIGN ACTIVITY BASED ON DIGITAL TECHNOLOGIES

#### ABSTRACT

Organization of educational processes on the basis of digital technologies in higher education institutions, increasing the competencies of future specialists in working with digital technologies during the educational process is an urgent issue. The article describes educational considerations for the preparation of future technological education teachers for design activities based on digital technologies.

**Keywords:** digital Uzbekistan-2030, technological education, digital technology, project, design activity

#### КИРИШ

Республикаимиз Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармонида таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш бўйича

бир қанча тадбирлар қаторида жумладан, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, “blended learning”, “flipped classroom” технологияларини амалиётга кенг жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор берилган [1].

Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан, олий таълимда таҳсил олаётган талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг шарт-шароитларини такомиллаштириш, жамиятни рақамлаштиришда ўзгаришларга мувофиқ соҳа фаолиятига йўналтириш, рақамли жамият учун кадрларни тайёрлаш билан бевосита боғлиқ бўлган ёш мутахассисларни тайёрлашнинг кўплаб муҳим жиҳатларига эътибор қаратилган.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Рақамли технологиялар-бу фаолият юритишнинг замонавий шакли бўлиб, унда таълимни бошқаришнинг асосий фактлари сифатида рақамли кўринишдаги катта маълумотлар мажмуи ва уларни қайта ишлаш жараёни хизмат қилади. Рақамли технологияларнинг қуйидаги муҳим вазифаси долзарб ҳисобланади: яъни амалдаги жараённи изчил автоматлаштириб бориш ҳамда таълим олувчиларни замонавий технологиялардан фойдаланишга тайёрлаш. Бинобарин, бу жараёнда кўплаб маълумотлар рақамли форматга ўтказилса, электрон кўринишда сақланса, ахборот хавфсизлиги масалалари хал этилади. Шу сабабли, педагогика олий таълим муассаларида рақамли технологиялар асосида таълим жараёнларини ташкил этиш, педагогик жараёнда бўлажак мутахассисларни рақамли технологиялар билан ишлаш компетенцияларини оширишга эътибор қаратиш лозим.

Бир неча йиллик кузатишларимиз асосида, педагогика олий таълим муассаларида рақамли технологиялар негизида бўлажак технологик таълим ўқитувчилари (БТТЎ)ни лойиҳалаш фаолиятга тайёрлашда ўқув жараёнларини ташкил этишга қўйилаётган талаблар мазкур жараённи технологиялашни, яъни бутун таълим жараёнининг ҳар бир босқичини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, ўқитувчи ва талабаларнинг мақсад, вазифаларини ойдинлаштириш, таълим методларини тўғри танлаш, машғулотдан кутиладиган натижаларни олдиндан белгилаш таълим самарадорлигини таъминлай олади деб ўйлаймиз. Бунда рақамли технологияларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқлиги таъкидланади:

-ўқитувчи ва талабаларнинг рақамли технологиялар билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш;

-ўқитувчи-талабалар ҳамкорлигида ўқитиш шакллари, таълим технологиялари ҳамда методларини рақамли технологиялар негизда такомиллаштириш;

-ўқитувчининг касбий-педагогик билимдонлиги ва касбий маданиятини ривожлантиришда рақамли технологияларнинг ўрнини асослаш;

-ҳамкорликка асосланган ўқув-билув жараёнида рақамли технологияларнинг дидактик имкониятлари самарали эканлигини асослаш;

-ҳамкорликка асосланган ўқув-билув жараёнида ўқитувчининг рақамли технологиялар негизда педагогик жараёни лойиҳалаштириш имкониятларини ривожлантириш;

-ўқитувчининг рақамли технологиялар негизда лойиҳалаш фаолиятига асосланган ўқув-билув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;

-технологик таълимнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ўқув машғулоти учун рақамли ресурсларни шакллантириш.

БТТЎни лойиҳалаш фаолиятига тайёрлашнинг педагогик-психологик асослари таълим жараёнида шакллантирилади ва унда ўқув жараёнини ташкил этишда лойиҳалаш фаолияти асос қилиб олинади.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Лойиҳалаш фаолияти «билиш усули» сифатида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларига билимларнинг ҳаёт ва таълимдаги ўрнини тушунишда, касбий тайёргарликда асосий воситага айланиб, фикрлаш маданиятини шакллантиришга ҳисса қўшишда амалий ёрдам беради. Лойиҳалаш фаолияти шунингдек бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг психофизик, ахлоқий ва интеллектуал ривожланишига, уларнинг мойиллиги ва қобилиятларини, муҳим кучларини ва педагогик касбини фаоллаштиришга, келажакдаги муваффақиятли педагогик фаолиятга ва умуминсоний қадриятлар тизимига киришишга, уларнинг фаолияти, когнитив талаб ва эҳтиёжларини шакллантириш ва қондиришга, ўз тақдирини ўзи белгилаш, ижодий ўзини намоён қилиш ва узлуксиз таълим олиш учун шароит яратишга қаратилган. Лойиҳаларни амалга ошира туриб талабалар ўз тажрибаларида лойиҳанинг (маҳсулотнинг) ҳаётий айланиши ҳақида тасаввур ҳосил қиладилар - ғоянинг пайдо бўлишидан то моддий амалга ошириш ва амалда қўллашгача, асосийси объектив дунёни оптималлаштириш, харажатлар ва эришилган натижаларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳисобланади. Бўлажак технологик таълим ўқитувчилари лойиҳавий фаолиятни бажаришнинг турли босқичларида ўз тушунчалари даражасида, муаммоларни ҳал қилишда ҳаракат тактикасини тушунадилар, турли хил мураккабликдаги лойиҳаларнинг мазмуни ҳақида ғояларни шакллантирадилар. Лойиҳалашда талабалар “ностандарт” вазифаларни ҳал

қилиш (маълумотларнинг етишмаслиги ёки ортикча бўлиши, меёрий ечим йўқ бўлганда) учун билимлардан фойдаланиш тажрибасига эга бўладилар,. Шу туфайли ижодкорликни ўзлаштириш ва тажрибаси, ташқи шароитларни ўзгартириш орқали янги натижага эришиш учун маълум ечимларни бирлаштириш ва такомиллаштириш имконияти берилади.

“Лойиҳалар усули” мавжуд муаммони ҳал қилиш учун қўлланилади, муаммони ҳал қилиш эса турли ахборот манбалари ва технологияларидан, ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш, шунингдек, билим ва кўникмаларни бирлаштириш, фан, техника, техника ва ижодкорликнинг турли соҳаларидан билимларни қўллаш заруриятини англатади. Ушбу усулдан фойдаланиш туфайли бўлажак технологик таълим ўқитувчилари ўртасида бундай ўзаро таъсир шахснинг ижодий ҳаракатлари кўзланган мақсадга эришиш учун қўлланилганда юзага келади, бунинг натижасида қўйилган мақсадга эришиш билан бирга, ўсиб бораётган шахснинг ички дунёси такомиллашади.

Рақамли технологиялар негизида ўқув жараёнларини ташкил этиш БТТЎни инновацион ривожланган қилиб тарбиялашнинг муҳим ижтимоий аҳамиятга эга масаласи бўлиб, у асосан қуйидаги омилларни ўз ичига олади:

- БТТЎни тайёрлашдаги мутахассислик фанлари бўйича ўқув машғулотларини лойиҳалаш босқичларини узлуксиз кетма–кетликда ифодалаб олиш;

- БТТЎни касбий тайёрлашнинг рақамли технологияларини шакллантириб олиш ва уни жорий этишнинг педагогик асосларини ишлаб чиқиш;

- рақамли технологиялардан амалиётда фойдаланишнинг методикасини экспертизадан ўтқазиб ва лозим топилганда таҳрир қилиш (тузатишлар киритиш);

- рақамли технологиялардан фойдаланувчиларга йўриқнома ва кўрсатмалар тайёрлаш, уларни кўпайтириш, тарқатиш ва дастурий воситаларнинг амалийлигини мунтазам равишда кузатиб бориш.

## **ХУЛОСА**

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини рақамли технологиялар негизида тайёрлашнинг асосий ғояларини ва йўналишларини қуйидагича ифодаланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- рақамли технологияларнинг асосий таркибий қисмлари ва унинг жамият тараққиётига мос равишдаги динамик ривожланишини амалга ошириб бориш керак;

- рақамли технологиялар негизида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини тайёрлашнинг асосий тамойилларини илмий-методик жиҳатдан асослаш;

- рақамли технологиялар негизида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини касбий тайёрлашга оид ўқув режадаги фанлар блокларнинг ўзаро алоқадорлик қонуниятларини аниқлаштириш;

- рақамли технологиялар негизида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини тайёрлашнинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиш;

- амалий ишланмаларда ўз аксини топган, методологик ёндошувлар олий таълим муассасалари таълим жараёнини, хусусан бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини тайёрлашни мукамаллаштиришни таъминлайдиган ўқув-дастурий ва ўқув-ахборотли таъминотларни яратиш имконини бериш;

Демак, рақамли технологиялар негизида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини тайёрлаш бўйича эришилган ижобий натижалар, таълим сифати учун яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлар уларни лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш бевосита илғор методологиялардан самарали фойдаланишни тақоза этади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони //Олий таълим меърий ҳужжатлар тўплами. Тошкент. Шарқ. 2019
2. Хасанбоев Ж, Тўрақулов Х.А., Хайдаров М.Э., Хасанбаева О.У.(2006) Педагогика фанидан изоҳли луғат.Тошкент 240 б.
3. Муслимов Н.А., Уразова М.Б., Эшпулатова Ш.Н.(2011) Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти. Ўқув қўлланма. Самарқанд.
4. Тўрақулов Х. А., Оришев Ж.Б (2011) Лойиҳали таълим – таълим самарадорлиги гарови. "Таълим тизимида ижтимоий - гуманитар фанлар “ Илмий–услубий журнали. Тошкент, № 3-4, Б.38-41
5. Тўрақулов О.Х., Аҳмедов Ж.Р. (2019) Ахборотлаштирилган таълим муҳитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш. Монография.Тошкент. 200 б.
6. Orishev J.B., Achilov S.T. (2023) DIGITAL TECHNOLOGIES AS AN EDUCATIONAL PROCESS IN PREPARING FUTURE TEACHERS FOR PROJECT ACTIVITIES International Scientific Journal SCIENCE AND INNOVATION. Series B. Volume 2 Issue 3. March pp 425-429